

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1506-ҳадис**

1506 - وَعَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ مُكَاتَبًا جَاءَهُ فَقَالَ: إِنِّي عَجَزْتُ عَنْ كِتَابَتِي فَأَعْيَيْ، قَالَ: أَلَا
أَعْلَمُكَ كَلِمَاتٍ عَلَّمَنِيهِنَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، لَوْ كَانَ عَلَيْكَ مِثْلُ جَبَلٍ دَيْنًا أَدَاهُ عَنْكَ؟
قُلْ: «اللَّهُمَّ اكْفِنِي بِحَلَالِكَ عَنْ حَرَامِكَ، وَأَغْنِنِي بِفَضْلِكَ عَمَّنْ سِوَاكَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ
حَسَنٌ [3563].

1506. Алий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир мукотаб кишининг олдига келиб: Мен келишилган маблағни топиб беришдан ожиз бўлдим. Менга ёрдам беринг, деди. Сенга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга ўргатган калималарни ўргатиб қўяйми? Агар зиммангда тоғ каби қарз бўлса ҳам, (Аллоҳ) уни сендан узади. «Аллоҳумма! икфинии биҳалолика ан ҳаромика ва ағнинии бифазлика ʔамман сивока дегин», дедилар».

Маъноси: Эй Раббим, ҳаром (аралаштирмай) ҳалолнинг билан менга кифоя эт. Фазлинг ила Ўзингдан бошқалардан беҳожат қил.

Имом Термизий ривоятлари.

Шарҳ: «Мукотаб» – «шартномаси тузилган» дегани. Истилоҳда: «Хожаси билан маълум маблағ эвазига озод қилиниши учун шартнома тузган қул ёки чўри».

Қарзини тўлаши керак бўлиб фақат керакли маблағни йиға олмаган бир қул Алий розияллоху анхудан моддий ва маънавий ёрдам сўрайди. У зотнинг қулга моддий ёрдам бериб-бермаганлари ҳадисда белгиланган эмас. Фақат у киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзига ўргатган бу дуони унга ўргатиш сурати ила маънавий жиҳатдан ёрдам юзага келмоқда.

Инсонга ҳар турли имконларни берган Аллоҳдир. Қарзни узиш учун ҳаракат қириш билан бирга ҳар ишда бўлгани каби Аллоҳдан ёрдам сўраш керак. Инсон тижорат қилганда ёки бу ердаги каби бировга ҳаққини берар экан ҳар доим ҳалол ризқ излаши керак. Ҳаромдан узоқ бўлиши ва бунинг учун Аллоҳдан ёрдам сўраши керак.

Мусулмон киши Исламнинг иззат ва шарафини тамсил қилган кимса бўлгани учун Аллоҳдан бошқасига муҳтож бўлмасликни ўзига шиор қилиб олиши, оладиган қўл эмас берадиган қўл бўлиши керак.

Манба: hadis.islom.uz

